



* Тадбиркорлар ҳам мажлис ўтказар экан
 * Мадинанинг санъатини кончилар севиб қолди
 * Қатағонда сарғайган 16 йиллик умр
 * Истеъдод соҳиблари "Олтин беланчак"да
 * Ҳинд океанидаги мушуклар қироллиги



Элим деб, юртим деб,  ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа
бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 24 апрель Шанба.
№ 31 (14222)

Ислом КАРИМОВ: «МАҚСАДИМИЗ — БУТУН ДУНЁ БИЛАН ДЎСТ БЎЛИШ»

Ўзбекистон Президенти НАТОнинг 50 йиллик юбилейи тантаналарида иштирок этиш учун 23 апрель кuni Вашингтонга жўнаб кетди.

Маълумки, бўлажак тантаналар чоғида ушбу ташкилот сафларига қўшилган учта давлат -- Чехия, Венгрия ва Польша билан биргаликда ҳисоблаганда бутунги кунда НАТОга 19 та мамлакат аъзо саналади. Бундан ташқари, тинчлик-барқарорликни сақлаш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишида яқиндан кўмаклашиш мақсадида дунёнинг қарийб 40 та давлати, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам ушбу ҳарбий-сиёсий тузилманинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида фаолият кўрсатмоқда.

Бу тантаналарда қатнашишнинг замирида Ўзбекистоннинг НАТОга кириш учун интилиши турмаганлигини халқимиз, кенг жамоатчилик яхшилаб тушуниб олишларини истардим, деди Ислом Каримов сафар олдидан "Тошкент 2" аэропортида журналистларга берган интервьюсида.

Президентнинг қайд этишича, мамлакатимиз ушбу ташкилотга ёки хавфсизлик масаласи бўйича бошқа биронта ҳарбий блокка киришни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган. Негаки, минтақамиздаги бугунги аҳвол, ҳозирги геосиёсий вазиятда бундай қадам тинчлик-барқарорликни, умуман олганда, бу жабҳадаги адолат тарозусини бузишга хизмат қилиши мумкин. Аслида, барқарорликнинг нозик мувозанатини, яъни ҳар томонлама тинчлик-осойишталикнинг тошу тарозусини бузишдан осон иш йўқ, аммо уни қайтадан аввалги ҳолига келтириш жуда қийин бўлади. Зеро, ҳар қандай ҳарбий-сиёсий блоклару ҳарбий базалар тузилишининг ортида тинчлик ва барқарорликка таҳдид соладиган катта хавф мавжуддир. Шу нуқтан-назардан, биз қандайдир блокларга кириш ва ҳудудимизда ҳарбий базаларни ташкил қилишга мутлақо қаршимиз, таъкидлади Ўзбекистон раҳбари.

У ҳолда Ўзбекистоннинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурида иштирок этиши ва тинчлик-барқарорликни таъминлашда кўмаклашиши, ҳамкорлик қилишидан мақсад нима?

Бу саволга жавоб бериш учун даставвал, НАТО қандай ташкилот экани-ю, унга қанча давлатлар аъзолигини аниқлаштириш лозим бўлади. Ислом Каримовнинг таърифича, НАТО -- демократик давлатларни ўзаро бирлаштириб турадиган, Европада тинчлик ва хавфсизликни сақлайдиган, ўз сафига кирган барча давлатларнинг ҳимоясини баббаравар кафолатлай ола-

диган, шунингдек, МДХдаги "тартиб"лардан фарқли ўларок, катта-кичик аъзоларнинг қарор қабул қилишдаги ҳуқуқлари тенглигини таъминлайдиган, фаолият юритишида тўла демократик тамойилларга асосланайдиган бирлашмадир.

Қолаверса, ушбу ташкилот аъзолари хавфсизликни жуда қадрлайдиган, тинчлик-барқарорликни сақлашга интиладиган, муайян сиёсий обрў ва иқтисодий салоҳиятига эга, умуминсоний қадриятларни юксак баҳолайдиган, шунингдек, узоқ йиллар мобайнида демократик тараққиёт йўлидан ривожланаётган ҳамда аҳолисининг турмуш даражаси юқори бўлган давлатлар саналади. Шундай экан, бу мамлакатлардаги ана шу тинч ва барқарор ҳаётни, одамларнинг тўқ ҳамда фаровон турмушини назарда тутсак, Президент айтмоқчи, айрим давлатлар раҳбарлари НАТОни босқинчиликда, урушқоқликда айблашаётганлиги ва ҳаттоки, очикдан-очик, "НАТО келяпти!" деб ваҳима кўтараётганликлари ҳеч қандай асосга эга эмас.

НАТО кимларгадир хавфли кўринаётгандир, лекин бизнинг назаримизда, демократик тараққиёт йўлини танлаган, умуминсоний қадриятлар сари интилаётган давлатлар ҳеч қачон бошқа давлатларга хавфхатар етказиши мумкин эмас, деб уқтирди Ислом Каримов. Аксинча, бу давлатлар ўзлари билан биргаликда бошқаларнинг ҳам тинчлигини сақлаш, яъни хавфсизлик ва умумий барқарорликни таъминлаш мақсадида бирлашаётир. Бизнинг мақсадимиз эса ана шу умумий хавфсизликни таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшиш ва бутун дунё билан дўст бўлишдир, деди пировардида мамлакатимиз раҳбари.

Вашингтон сафари мобайнида Ўзбекистон Президентининг АҚШ раҳбарияти, Сенат вакиллари, Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банкнинг раҳбарлари билан учрашувлари ҳам кўзда тутиляпти. Шунингдек, мамлакатимизнинг Қўшма Штатлардаги элчихонасида Грузия, Украина, Озарбайжон, Молдова давлатлари раҳбарларининг учрашуви мўлжалланган ва унда Ўзбекистоннинг ана шу давлатлар иштирокидаги ГУАМ бирлашмасига қўшилиши тўғрисида шартнома имзоланиши кутилмоқда.



Кўзичоғим, сени қанчалар соғингандим!

ТИА БИЛИШГИНА ЗАМОНАВИЙЛИК БЎЛМАЙДИ



Сардорбек Хасанов -- «Камолот» жамғармаси стипендианти. 1979 йилда туғилган. Урганч Давлат Университети иқтисодий факультетининг учинчи босқич толиби.

Ҳозирги кунда ўқиш билан бирга университет қошида ташкил этилган «Бўйдоқлар» театр гуруҳининг сардори.

-- Сардорбек, қандай қилиб «Камолот»нинг стипендиясини олишга эришдингиз?

-- Ҳеч қанақа сири йўқ. Олийгоҳда ўқий бошлаганимдан буён, нуқул янгиликка интиланман. Ҳар бир ўтказиладиган тадбирларга, ташкилий ишларга қизиққанам учун қатнашиб турардим. Шу билан бирга дарсларни аъло баҳоларга ўзлаштирдим... Университетдагилар эса мени ушбу жамғарма мукофотига тавсия қилишди.

-- Иқтисодчи бўлишингиз замон талабими?

-- Биласизми, ҳар бир инсоннинг ёшлигидан ўз орзуси бўлади. Иқтисодчи бўлиш менинг ана шу болаликдаги бегубор орзуим эди. Шукрки, бунга ўз билимим ва меҳнатим билан эришмоқдаман. Ўйлашимча қанақа давр, жамият бўлмасин, иқтисодга ва иқтисодчисига эҳтиёж сезади.

-- Бугун замон кимники?

-- Албатта, билими борларники. Фидойи,

фикри теран, тафаккури тоза, ҳар бир баҳсда ўз фикрини қўқмай баён қила оладиган инсонларгина замон билан ҳамнафас бўла олиши мумкин. Бир донишманд айтган экан: «Комил инсонлик истасанг замонадан бир қадам олдинда ёки тенг юр, аммо ҳеч қачон орқада қолма», деб. Замонадан орқада қолмаслик эса, интилушу ҳаракатларда.

-- Замонавий ёшлар қандай бўлиши шарт?

-- Баъзида компьютерда ишлаб била, чет тилларини чала ярим ўзлаштириб олганлар ҳам ўзларини эртанинг оламимиз деб ўйлашади. Йўқ, уларни эмас, балки билимга чанқоқ, маънавий пок, мустақил фикрлай оладиган йигит ва қизларни замонавий ёшлар дейиш мумкин.

-- Келажакни қандай тасаввур қиласиз?

-- Тугриси айтсам, келажакни қалбимдан ҳис қилиб, ҳар кунни тушимда кўраман. Ўзбекистонни тараққий этган мамлакатлар орасида ўз мавқеининг мустақамлиги билан ажралиб туришини ҳис қиламан. Бизнинг йўлимиз тўғри ва ҳаққоний. Бу йўлдан ҳеч ким қайтара олмайди. Зеро, фидойи, жонқуяр ёшлари бор мамлакатнинг келажак буюк бўлади.

-- «Бўйдоқлар» командаси ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

-- Командамиз 1998 йилда ташкил этилган. Республика мусобақаларида анча обрўли ўрин-

ларни олашмиз.

-- Сардорбек, нима учун гуруҳга «Бўйдоқлар» номи берилган?

-- Маълумки, 1998 йил «Оила йили» эди. Ҳўш, жамоамизга қандай ном берамиз, деб роса бошимиз қотган. Бундоқ ўйлаб қарасак, гуруҳдаги бир-иккита болалардан ташқари ҳаммамиз бўйдоқмиз. Шундай қилиб, гуруҳимизни «Бўйдоқлар» деб атадик.

-- Умуман, талаба сифатида бугунги кунда қандай муаммоларга дуч келисизлар?

-- Биринчидан, китоб муаммоси. Университет кутубхонаси бор, яхши ишлайди, лекин биз хоҳлаган, бизга керак бўладиган китобни топиш қийин. Иккинчидан, Хоразм чекка жойда жойлашгани учунми, марказдан чиқариладиган хабарлар бизга кеч етиб боради.

-- Бугун нима билан машғулсиз?

-- Мен ҳозирча ҳисобчилик фани бўйича илмий раҳбарим Озод ака Машарипов билан шу соҳа йўналишида илмий мақолалар тайёрлаб, уларни газета ва илмий-оммабоп журналларда ёритиб борапман.

«Туркистон» мухбири
Зиёда АШУРОВА суҳбатлашди

ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИКНИ ЎРГАНМОҚДА

Термиз шаҳрида «Инновация-99» Халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Уни Республика «Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси Хотам Абдурашмов бошқарди.

Анжуманда бир қанча сермазмун маърузалар тингланди. Жумладан, техника фанлари доктори, профессор О.Қодиров, археолог Баҳодир Тургунов, профессор Ж.Турсунов, хориждан келган меҳмонлар Токионинг Сако университети профессори Кюдзо Като, Франциянинг Ўзбекистондаги факултода ва мухтор элчиси Жан Клод Ришар, Словакиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси биринчи котиби Мираслов Мекар, «Cofutis» — Космик суратларни қайта ишлаш француз-ўзбек маркази президенти ва бошқаларнинг маърузалари анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Анжуман иштирокчилари асосий маърузалардан сўнг турли секцияларга бўлинган ҳолда иш олиб бордилар.

Тадбир ёшларни кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга жалб этиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни жаҳон андозалари талаблари даражасига кўтариш, чет эл технологиясини вилоятга олиб келишда алоҳида роль ўйнайди.

Анжуманни ўтказиш учун Сурхондарё вилояти танлангани бежиз эмас. Вилоятда кейинги 3-4 йил мобайнида бозорни тўлдирадиган ва экспорт қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик технологияларни жорий этиш дастури ишлаб чиқилди. Ҳозирда уни тез-

роқ амалга ошириш чоралари кўрилаяпти. Айни пайтда халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида минглаб ҳуқуқий ва жисмоний шахслар тадбиркорлик борасида иш олиб бораётир.

Анжуманда маърузалардан ташқари бошқа турли қизиқарли тадбирлар ҳам ўтказилди. Хориждан ҳамда мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган меҳмонлар Ҳаким ат-Термизий мақбарасини зиёрат қилиб, Термиз шаҳрида қурилган теннис корти ва замонавий архитектура асосида бунёд этилган кўлаб иншоотларни ҳам томоша қилдилар.

Анжуманнинг қизиқарли ўтишини таъминлаган яна бир тадбир -- ёшлар фестивалининг тантанали очилиши бўлди. Вилоятда етишиб чиққан истеъдодли санъаткорлар чиқишлари томошабинларда катта таассурот қолдирди. «Дўстлик» маданият ва истироҳат боғида 22 апрель кун эрта тонгданок ёшлар сайли бошланиб кетди.

Ёшлар «Инновация-99» Халқаро илмий-амалий анжуманида кичик ва ўрта тадбиркорликни янада ривожлантириш истиқболларини белгилаб олдилар.

Анжуманнинг очилиш маросимида Сурхондарё вилояти ҳокими Ж.Норалиев иштирок этди.

Жовли ХУШБОКОВ,
«Туркистон» мухбири

МУҲИМ МАВЗУДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1-чақириқ XIV сессияси яқунларига бағишланган тадбирлар мамлакатимизнинг турли олий ўқув юрғларида ўтказилмоқда. Қадрлар тайёрлашда таянч олийгоҳ ҳисобланган Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университетида бўлиб ўтган йиғилиш ҳам ана шу сессиянинг яқунларига бағишланди. Анжуманда университет профессор-ўқитувчилари, жамоатчилик ташкилотлари ва талабаларнинг вакиллари иштирок этди.

Университет ректори, профессор Б.Қодиров, мурабийлар ва талабалар Республика Президенти Ислон Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқиб, университет меҳнат жамоаси олдида турган долзарб вазифалар, яъни ёшлар тарбияси, уларнинг дардан бўш вақтларини самарали ташкил этиш, жиноятчиликнинг олдини олиш каби масалалар юзасидан фикр алмашишди.

Ўз мухбиримиз

Кўпинча биз ҳарбийларга фақат ҳарбийчасига қараймиз. Назаримизда улар доим жиддий.

«Камолот» жамғармаси ташаббуси билан ҳарбийлар ўртасида ўтказилган «Балли, аскар» кўрик-танлови бундай

АСКАР ДОИМ СЕРТАК

хулосамизга яқун ясади. Унда аскарлар ташриф, тош кўтариш, ким чаққон, аскар ҳангомалари ва эркин мавзу шартлари бўйича беллашдилар. Танлов аскарларимизнинг жисмоний чаққонлиги, маънавий камолоти ҳамда ҳарбий қуроллардан қандай фойдаланиши салоҳиятларини синовдан ўтказиш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда «Фидокор»лар миллий демократик партияси вилоят кенгаши қошида ташкил этилган «Шаҳризод» конферт гуруҳи қатнашди. Гуруҳ аъзолари танловнинг қизиқарли ва завқли ўтишини таъминлади. Голиб аскарлар «Камолот» жамғармаси томонидан тақдирланди.

С. НОРМУРОДОВ

СЕНИ СОҒИНИК АЛПОМИШ

«Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси Наманган вилояти бўлими бошқаруви ва Норин тумани халқ таълими бўлими томонидан Намуна номли 29-ўрта мактабда ўтказилган тадбир шундай номланди. Кечага шонрлар, ёзувчилар, олимлар, ота-оналар, туман мактабларининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари таклиф этилди.

Умуман бугунги авлод Алпомишни билдимиз? Ва билганида уни қандай тасаввур этади? 29-мактабнинг «Ниҳол» дастаси ўқувчилари томонидан Ҳакимбекнинг дунёга келиши, унга Алпомиш исми берилиши, Алпомишнинг 90 аллани йиқитиб, Кўкалдош билан бўлган жанговар кураши саҳна ижролари ҳали бизнинг қонимизни алп тарк этмаганидан далолат беради. Ажабмаски Алпомишнинг саҳнада ижро этган ўспиринлардан эртага унингдек паҳлавонлар етишиб чиқса.

Р. РАСУЛОВА,
Наманган вилояти

Шу сонга хабар

ТАВБА-ТАЗАРРУ АЙБ ЭМАС

Бу дунё ўткинчи. Адашиш, алданиш, ҳиссиётга берилиш одамзоднинг феълида бор. Аммо бир нарса муҳим, бу хатоликларни ўз вақтида англаб етиш, бунда ҳикмат кўп.

Тошкентдаги февраль фожеаси ҳаммамизнинг юрагимизда доғ бўлиб ўрнашди ва ҳалибери осонликча кетмайди ҳам. Унинг айбдорларига халқ қарғишининг ўзи катта жазо. Зеро, онаюрт, ота-боболар кадр-қимматини оёқости қилганнинг қосаси ҳеч қачон оқармагай!

Адашган инсонларни, ўз айбига иқдор бўлиб келганларни кечириб, уларга жазо чоралари қўлланмаслигини халқимиз катта муруват деб қабул қилди. Наманган вилоят ички ишлар бошқармаси маълумотларига қараганда бир неча унлаб шундай кимсалар бош эгиб келдилар.

Ёқубжон Ваҳобов 1959 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Республикамиз мустақилликка эришгач берилган неъматларни англолмай диний экстремистик оқимга қўшилиб, турли жиноятчилик ҳаракатларида иштирок этган. Сўнгги йилларда унга нисбатан расмий қидирув эълон қилинган эди. Унинг ҳамшаҳри Аҳмаджон Носиров ҳам шу қисмат гирдобиди айланиб қолиб, оқибатда ватангадо бўлган. Оиласи, бола-чақаси меҳрига зор яшади. Президентимизнинг марҳамати уларни инсофга келтирди.

— Икки йилдан ошиқроқ вақт турли жойларда, одамлар назаридан четда яшадим, деҳқончилик қилдим, мардикор тушдим. Аммо ҳаловат деган нарса йўқ. Ким учун ишлаётганим, яшаётганимни билмасдим. Бир оғиз ширин сўз айтадиган, меҳр берадиган одамга зор бўлдим. Худодан астойдил тиладимки, қани энди бир йўл очилса-ю қадрдонларим ёнига қайтсам. Илгаригидай осойишта кун кечирсам деб туну-кун йиғлардим. Шукр, Президентимиз жонимга оро кирдилар. Узоқ айрилиқдан сўнг оила аъзоларимни кўриш бахтига муяссар бўлдим, дейди уч фарзанднинг отаси Тоҳир Гофуров.

Учқўрғоннинг Қўғай қишлоғидан Алишер ака Ҳолиқовнинг ўғли Улугбек туфайли чекаётган изтиробларининг чеки йўқ. Утган йилнинг сентябрь ойида уйдан чиқиб кетганича, номақбул ишлар билан шугулланиб юрган боласи учун Юртбошимиздан, халқдан кечирим сўраяпти.

Адашганлар ўз йўлларини кеч булсада топаётгани яхши. Аммо баъзида ўйлаб қоласан. Адашишга ким сабабчи бўлади? Узимизми ёки атрофдагилар...

Зоҳидахон КЕНЖАЕВА

«ЁМҒИРЛИ ОҚШОМ» ТАҚДИМОТИ

Сўнгги пайтларда «Ўзбекте-лефильм» студияси томонидан яратилаётган экран асарлари аксарият юртдошларимизнинг диққат-эътиборига тушиб қолгани қувончли ҳолдир. «Адолат манзили», «Чархпалак», «Илон», «Баланд тоғлар ортида» каби видеосериаллар фикримизнинг исботи бўла олади. Қуни кеча «Ўзбекфильм»да яна бир янги фильмнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Қисқа метражли ушбу фильмни Тўлқин Ҳайитнинг «Тўқнашув» ҳикояси асосида режиссёр Наби Раззоқов тасвирга туширган. «Ёмғирли оқшом» номи билан томошабинлар ҳукмига ҳавола этиладиган мазкур

фильмнинг асосий гоёси ҳалоллик, поклик, фидойилик сингари энг эзгу хислатларни улуғлашди.

-- Бугун кино ижодкорлари қайси жанр, қайси услуб ва мавзу бўлмасин, энг аввало ижодий изланишга, томошабиннинг қалбига чуқурроқ йўл топишга интиляпти, дейди «Ўзбекфильм» студияси Бош директори Мирзааҳмад Олимов. Яқинда суратга олинган ушбу фильмни «Бойчечак» фильми билан биргаликда шу йил Францияда ўтказиладиган қисқа метражли фильмлар фестивалига тақдим қилмоқчимиз.

НАЗОКАТ

Олис-олисларда уфққа туташган далалар кўёш нурида бахмалдек товланади. Сахро заҳматкашлари -- Шимолий Ўртабулоқ ва «Круг» нефть ва газ кончилари ҳузурига ошиқайтган машинамиз бот-бот далага отланган қўй-қўзиларга йўл бериб секинлашади. Манзил йироқ, режалар кўп. Мақсадимиз кончилар билан бир ҳур суҳбатлашиш.

Аслида бизни бу сафарга ундаган нарсa Юртбошимизнинг Олий Мажлис сўнгги сессиясидаги фикрлари бўлади. Чиндан ҳам, бугунги ўзгаришлар моҳиятини халққа етказадиган мақолаларни ва халқнинг дилидаги гапларни ўз саҳифаларимизга олиб чиқа олдикми? Беш юз саксон чақиримлик йўлни босиб Муборак нефть ва газ конлари бошқармасига қарашли Ўртабулоқ конига яқинлашар эканмиз, шу саволга жавоб изладик.

Конга етиб келганимизда бизга ҳамроҳ бўлган таниқли санъаткор, Ҳамза номидаги академик театр актрисаси Мадина Мухторова ҳаяжонини яширолмади: «Бепоен кенгликларга, шамолда бош чайқаб турган лолақизғалдоқларга қараб туриб Ватанимиз Оллоҳ назари тушган жаннатмакон юрт эканлигига яна бир бор иймон келтирдим.» Мана шу кенгликларда оиласидан, бола-чақасидан йироқда ёзнинг жазирасини ҳам, қишнинг қаҳратонини ҳам писанд қилмай меҳнат қилаётган ва бу билан юртимиз истиқлолини мустақкамлашга муносиб улушларини қўшаётган сахро баҳодирлари ҳузурда тўхтадик.

Шимолий Ўртабулоқ конининг 27 ёшли раҳбари Шухрат Эрназаров ва янада олисроқда жойлашган «Круг» нефть кони бошлиғи Нажмиддин Ҳайитовлар билан конда олиб бориларётган ишлар, ютуқ ва муаммолар тўғрисида суҳбатлашдик.

Айниқса, бу ерда ишлаётган ёшларнинг ғайрат-шижоати, фикрлари, орзу-ҳаваслари бизда катта таассурот қолдирди.

МЕҲНАТ ҒАШТИ

Муҳиддин ТЕМИРОВ, нефть қазиб олиш ишлари гуруҳи раҳбари:

— Асли косонликман, болалигимдан кончилар ҳаётига қизиқардим. Мана, шу соҳада беш йилдан буён ишлаб келаяпман. Шу орада Тошкент политехника институтининг нефть ва газ факультетида сиртдан таҳсил олдим. Ниятим — мутахассис кончи бўлиш. Оғир чул шароитида ишлашнинг ҳам узига яраша ғашти бор. Одам узининг бардошига баъзида қойил қолади, шу билан Ватанга фойдаси тегаётганини ҳис қилиб турганидан фахрланади.

Бизда иш шундай ташкил қилинганки, бир ҳафта ишласак, бир ҳафта дам оламиз. Баъзан шундай буладик, ҳафтанинг охирига бориб уйга сизмай қоламан. Ишни соғинаман. Бу ерда аксарият ишчилар тенгқурларим. Биз бирга ишлаб, бирга ҳордиқ чиқарамиз. Меҳнатнинг завқи ҳам шунда.

УКАЛАРИМГА ХАВАС ҚИЛАМАН

Тўра НОРБОЕВ, нефть тортиш ускуналари кузатувчиси:

— Кончилик соҳасида иш бошлаганимга анча бўлиб қолди. Успирилик давримдаёқ кўп кончиларни танирдим, шу касбга меҳрим тушганди. Энди эса укаларимга ҳавасим келади. Ёшларнинг билим олишлари, баркамол авлод бўлиб етишишлари учун катта имкониятлар яратилапти. Улар ҳам бир-биридан шижоатли, зеҳнлари жуда уткир. Баъзида биз билмайдиган нарсалар ҳақида ҳам батафсил тушунчага эга эканликлар

рени куриб тураман. Эртага улар урнимизни эгаллашади. Ўзбекистон келажаги ана шундай меҳнатсевар авлод қулига утади.

Узимнинг ҳам уч нафар фарзандим бор. Улардан умидим катта. Агар уғилларимдан бирортаси касбимни танлаб, конда ишлашни истаса, йўқ демасдим. Фарзандлари ишнинг давомчилари булган ота бахтиёр булади.

КОНЧИЛИК — ЙИГИТЛАРНИНГ ИШИ

Акрам ТОШПҮЛАТОВ, ер ости қудуқларини таъмирлаш бригадаси бошлиғи:

— Эътибор берган булсангиз, бу ерда аёллар кам ишлашади. Чунки кончилик ҳақиқий эркакларнинг иши.



“Туркистон” таҳририяти ходимлари кончилар ҳузурда бўлиб қайтишди

Тўғри, ишимизда муаммолар йўқ эмас: ишлаб чиқариш технологияларини янгилаш керак, қувурлар етишмайди. Шу боис биз — таъмирловчиларга доим иш топилиб туради.

Яқинда бир гуруҳ америкалик мутахассислар келиб ер ости қудуқларидаги нефть йўллари маҳсус асбоб воситасида очиб беришди. Ишимиз самарадорлиги анча ошди. Назаримда, шундай асбобларни узимизда яратишнинг мавриди келди. Лекин аминманки, ҳадемай шу даражага эришамиз. Мана қушни Кукдумалоқ кони ҳозирданок хорижий технология асосида иш бошлади. Ҳамма нарсa компьютерлар ёрдамида бажарилади. Ҳаражат кам — унумдорлик кўп.

Ҳамма конларимизда ишни жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар бор. Конда ишлайман деган, меҳнатдан қочмайдиган йигитлар булса, бас.

ДАҲАДОРЛИК ХИССИ

Сирождин ҲУСАНОВ, Кукдумалоқ қатламига газ ҳайдаш иншооти дастурловчиси:

— Асли Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳрида туғилиб усганман. СамДУнинг физика-математика факультетида ўқиб юрган кезларим йирик саноат корхоналарида ишлаш истаги туғилди. Шу сабаб булди-ю, 1996 йилда эндигина иш бошлаётган Кукдумалоқ нефть конига келдим. Аввалига оператор бўлиб ишладим, ҳозир дастурловчиман.

Мен конда иш бошлаганимдан кейин ҳам республикамизнинг кўп жойларида йирик иншоотлар қуриб фойдаланишга топширилди. Мамлакатимизда тарихий ўзгаришлар, буюк қурилишлар жараёни кечмоқда. Шў жараёнга даҳидор булишдан катта бахт борми инсон учун!

САНЪАТКОРЛАР

Очигини айтсам, мени ҳайратга солган на бир нарса шуки, бу ерда санъатни севадиган, қадрайдиган, ҳатто бугун ўз санъатимизни намойиш этиш учун йўлга чиққанымда, бийдай қир-адирларнинг қоқ марказига бориб қоламан, деб ўйламагандим. Лекин бу изодий сафар ўзининг жозибаси билан бир умр эсда қоладиган бўлди. Мен бу ерда Ватанимизнинг нақадар бепоен ва гўзал эканини ҳис этдим. Чул шароитида меҳнат қиладиган, ҳаётдан мамнун, келажакдан умидвор одамлар билан танишдим. Ажаб эмас — бу менга янги-янги роллар яратишимда қанот бағишласа...

Концертлар чоғида

Мадина МУХТОРОВА, актриса

ИСТАРДИМКИ...

“Туркистон” менинг энг сеvimли газетам. Ёшлар нашри бўлишига қарамасдан ундаги ҳар бир мақолани катта қизиқиш билан ўқиб чиқаман. Кейин фарзандларимга бераман. Чунки газетда ёшларга ҳаётда асқотадиган материаллар бериб борилади. Уларни янада кўпайтириш керак. Токи газета ёшларнинг мустақил ҳаёт оstonасидаги ҳақиқий маслаҳатчиси бўлиб қолсин.

Нажмиддин ҲАЙИТОВ, “Круг” кони бошлиғи

“Туркистон” газетасининг афзалликларини ҳақида кўп гапириб мумкин. Мен асосан ўз таклифимни айтмоқчиман. Газета саҳифаларида “Дилга яқин қўшиқлар” деб номланган рукн очиб, унда энг машҳур қўшиқлар матни (керак бўлса ноталари ҳам) бериб борилса

яхши бўларди. Бу ёшларнинг санъат соҳасидаги билимларини оширишга катта ҳисса қўшган бўларди. Ёшлар санъатни севишади. Бу қизиқишни иложи борича рағбатлантириш керак. Чунки санъат инсонни гўзаликка етаклайди.

Дилшод МАНСУРОВ, бастакор

“Туркистон” газетаси туманимиз ёшларининг энг сеvimли нашри эканлигини эътироф этган ҳолда, бугунгидай учрашувларни янада кўпроқ ўтказиш кераклигини айтмоқчиман. Газетда вилоятлар ёшлари ҳаёти кенгроқ қамраб олиниши керак. Шунда укувчилар сони ҳам кўпаяди. Газетанинг нуфузи ҳам ошади.

Шавкат МЕҲМОНОВ, “Камолот” жамғармаси Муборак туман бўлими раиси

ТАҲРИРИЯТДАН: Шу таассурот ва таклифлар билан сафаримиз қариди. Тошкентга қайтар эканмиз яна кўп жойларга ижодий сафар қилишни, муҳлисларимиз билан учрашиб, уларнинг газетамиз тўғрисидаги фикрларини билишни режалаштириб олдик. Истагимиз битта — “Туркистон” ҳар бир ҳонадон меҳмони бўлсин.

Саҳифани “Туркистон” муҳбири Жамолiddин ТҲУТАШЕВ тайёрлади.

КАМАЛАКДАН ТАҚДИМ КЎЗМУНЧОҚ

Биз сизга тақдим этаётган ушбу шеърларимизда ботиний қувонч, ёруғ оғриқ бор. Мунаввар руҳнинг қуюқ изтироблари, бемисл орзуларини моҳият этган бу шеърлар руҳингизни уфқларга, кенгликларга чорлайди. Шеърларда болаликнинг, ёшликнинг зангор соғинчини, чақинлар овозини, ёмғирлар шивирини тинглайсиз.

Руҳингиз осмонда камалакдек товланган сатрлар муборак бўлсин!
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ШЕЪРИЯТ КЕНГАШИ

Тун эди ойдин
Дилхуш саболи,
Куй келар қайдин
Шўхчан наволи.

Ухламай уйғоқ,
Куйлаётган ким.
Жилдирар булоқ,
Тун тинглайди жим.

Кушлар уйқуда,
Дарахт мудрайди.
Ойнинг аксини
Сувлар судрайди.

Осмон ҳайратда
Пирпирар юлдуз.
Ухлар бу пайтда
Сершовқин кундуз.

Аслида булоқ
Куйлар уззу-кун.
Кун билмас бироқ
Билар эди тун.

Шўхчан навонинг
Сеҳрига мафтун,
Зилол булоқни
Севар эди тун.



Ҳамма, ҳаммани
Ухлатиб қўйиб,
Тинглар булоқни
Тўйиб ва тўйиб.

Вақт чирпирар.
Шўх раққос.
Оҳангиз куй, беовоз кўшиқ,
Таъсирида ўтказаман кун.
Рақс тушаман вақт билан шодон,
Ва сезиб қоламан кичкина бўшлиқ,
Пайдо бўлди кўксимда қачон.
Тушунолмамай қоламан беун.
Яшашнинг маъноси осмондай кен-у

Бирор чеккасидан бўлмайдди ушлаб.

Мен фақат ўзимни, ўзимни енгиб
Яшашим шарт энди, қўйганман бошлаб,
Қийналиб бўлса-да, яшашим керак.
Кундан-кун сеҳрли ҳаёт қўшиғи.

Кенгайиб бормоқда кундан-кун юрак,
Кенгайиб бормоқда юрак бўшлиғи.
Дилбар **ДОНАБОЕВА,**
Жиззах



Истардим, Фалакнинг қабоғи бўлса...

А.КУТБИДДИН

Истардим,
Томирлар най-созим бўлса
Нафасим жон берса садога сахий.
Осмон қопқалари ёрилса бир дам,
“Етдинг”, деб келтирса муждалар ваҳий.

Истардим,
Юрагим пилла бўлса,
Бағрида лабингу нафасинг тафти.
Май юзи жамолнинг аксига тўлса,
Минг йилларга етса шу дамнинг рафти.

Истардим,
Кўзларим бир абр бўлса
Таним тупроқ бўлса, сен элган малак,
Абру тупроқ, бағрин ёмғир хўл қилса,
Орада сен бўлсанг гўзал камалак.

Истардим,
Лабларим шаббода бўлса
Сен мушк-анбар, жисминг ҳавода бўлса,
Унсам, кучсам, олиб кетсам йироққа,
Манзилимиз кўм-кўк самода бўлса.

Истардим,
Борлигим, бир хона бўлса,
Эгаси ёлғиз бир сен бўлсанг, ёлғиз
Тун-нолам, қуёш-шам ва қалам бўлса
Шафқат қилиб, сен ҳам битсанг битга сўз-
“Истардим...”

Фазлиддин **РАВШАНОВ,**
Тошкент

Кўнгуллар топишар, тақдирлар бошқа,
Дунёнинг бир ўқсик йиғиси севги.
Ҳижронлар ҳукмрон, армон тож бошга,
Армоннинг инграган кулгуси севги?

Эрмакка айланар ёт бағирларда,
Таъқиблар изма-из хиёнат кўзи.
Топталиб санчилар оч чағирларга,
Эртакка айланиб босган ҳар изи.

Гоҳ биёбон кезган Махжун сиёҳли
Гоҳ сандиқда оққан — муҳаббат — Тохир.
Эзгулик улайди дилларга то у
Лек ўзи дунёга сизмаган оҳдир.

Кўнгиллар топишар, тақдирлар бошқа,
Дунёнинг бир ўқсик йиғиси — севги.
Ҳижронлар ҳукмрон, армон тож бошга,
Дунё-ку бир амал, қайғуси севги.

Комил **АЛИ,**
Навоий

ОАТИН

КУЧИШ

Сукунат. Кетяман хазонли боғдан,
Сирдошим ер узра ётган хазонлар,
Шуълакор ёғдулар ёғилмас ойдан,
Ёлғизлик қаршимда тинмай шивирлар.

Хаёлим сўзлайди кўз ёшга секин:
— Ана кўришмоқда юксакларда ой.
Сочларимга шамол бермас сира тин,
Қалбимга хавотир тўрилайди ёй.

Кутаман, кўзларим қолар йўлларда,
Йўлларга поёндоз тўшай бошлар куз.
Нечундир ҳар сафар қўйиб доғларда,
Келмайсан қалбимни ўтирлаган қиз.

Мақсуд **АСАД,**
Шофиркон

ОНАМРА

Нури бўлмаса ҳам меҳри кўп энди,
Маънос тортиган кўзларингни соғиндим,
Ажин қопласа ҳам менга севиқли,
Қуёш каби юзларингни соғиндим.

Сен юрган йўллардан юрибман толмай,
Товушинг келарми деб шамолни тинглай,
Кечалари уйқусиз, тоқатим бўлмай,
Ширин-ширин сўзларингни соғиндим.

Олис манзилларга боқиб толаман,
Кенжатоинг бўлиб мангу қоламан,
Меҳрибоним, энди қайдан топаман,
Сенинг босган изларингни соғиндим.
Идрис **ПУРХАҲОВ,**
Нукус

ЁЛҒИЗ АЁЛ

Мен ҳали айтмадим.
Дилрабо қўшиқ.
Мунгли овозим етмас қулоғингга
Истагим ҳаётни тарк этмасин ишқ,
Гуллар ҳиди урилсин димоғингга.
Қоронғу дунёни ёдуга кўмиб,
Кириб келди уйимга азиз сўзинг.
Йиғладим. Дод солдим,
Сочимни юлиб.
Эзилган кўнглимни кўтардинг узинг.
Юракнинг яраси қонаб кетди-ку.
Тун бўйи аламлар оқади сим-сим,
Оғриқлар азоби кўкка етди-ку,

Юлдузлар юзимга термулади жим,
Ҳижроннинг тошлари оёғим боғлар.
Бегона манзилга тушмайди изим,
Йўқолган бахтимни омад кучоқлар.
Номаълум туйғудан шодланар юзим,
Соғинчининг кўнглида очилган

гуллар,
Ишончим боғини безайди бу дам.
Севгидай муқаддас бу олис йўллар,
Висол бўлиб чорлар

ҳижрондаги ғам.
Саодат **ОЛИМОВА,**
Самарқанд

Шаффоф кўнглим буркаб оппоқ гулларга,
Сенга ҳадя атаб тутдим еллара.

Юрагимда пишган тотли бир неъмат,
Дедим: «ол азизам умринг ганимат»

Пойингни ўпганда сарғайган жоним,
Томирингда қалқди қақраган қоним.

Термулдинг, турмулдим, лек жилолмадик,
Тақдирга қайсарлик қилиб толмадик.

Оқарди танзимиз, қотди қонимиз,
Заминни тутди оқ муздек жонимиз.

Жонимиз қўйида мудрайди қарахт,
Ахир иккимиз ҳам почор бир дарахт.

Ойдинисо **ЮЛДОШЕВА,**
талаба

Дарёлар кўксимга солди беланчак,
Талеъ ваёда қилди сулув келинчак.
Не қизлар йиғлади нолон, ялинчок,
Азизам, мен Сизни алишганим йўқ!

Йиғлаган оҳунинг кўзини ўндим,
Бевафо тақдиринг юзини ўндим,
Ҳижроннинг ўзини, ўзини ўндим,
Азизам, мен Сизни алишганим йўқ!

Ширин тушларимни сувдан қизгандим,
Севгимни олғиру-қувдан қизгандим,
Дилимни юз минг сулувдан қизгандим,
Азизам, мен Сизни алишганим йўқ!

Ишқинг саҳросида куйдим, адашдим...

Шодмон **СУЛАЙМОН,**
Бухоро

ОНА ЮРТИМ

Она юртим, эркалай сени,
Тупрогингни кўзимга сурай.
Боғларингни, водийларингни
Яланг оёқ яйраб мен кезай.

Эрка қизман, онам бор сендай
Ёзларинг мўл, шовуллар бугдой,
Кузинг эса болга бўлар бой,
Афсонадир баҳорий чирой.

Кимлар ҳавас қилмаган сени,
Истиқлолинг кўз-кўз этаман.
Унутмайман қайда бўлсам ҳам,
Сенинг учун яшаб ўтаман.

Ойшакар БОЗОРОВА,
Иштихон

Бор араз меники, кетаман энди,
Кетаман, сўзингиз ерда қолади.
Кўнглингизни олмай кетаман энди,
Айтинг, кўнглингизни кимлар олади.

Кетаман...
Қизгалдоқ кучоғи менга,
Оппоқ тонг биргина менга аталган.
Менга деб шабнамдан ҳар тонг,
Марварид, маржону гавҳар қадалган.

Мен учун барчаси, меники ҳамма,
Сиздан тортиб олгум ҳатто ўлимни.
Қанчалар уринмай... уринмай аммо,
Олиб кетолмайман сиздан кўнглимни.

Наргиза УСАНБОЕВА,
талаба

БЕЛАНЧАК

Азизим,
Энди мен оқ-оппоқ фарингга,
Сутларга чайиб, кучиб олди,
Севги аталган буюк рингга.
Азизим,
Тушларимда маҳкам кучаман--
Тонгда йўқотмоқдан кўрқаман...
Ёнингга қанотсиз учаман...

Азизим,
Қанчалар учмайин, етмайман.
Кўл силтаб ортимга кетмайман...
Сенсиз келган бахтни неттайман?!
Азизим,
На дардсан, на бегуноҳ оху,
Шундай висолсанки, сен -- оғу!
Етганимда йўғимсан, ёху!...

Азизим,
Энди мен оқ -- оппоқ фарингга...
Сен мени ҳар қанча сўрама,
Севги бермас мени ҳеч кимга!

Дилрабо ХУДОЙКУЛ қизи,
Кўшработ

ТАНИМАЙСИЗ

Бугун мендан совчи борди -- икки аёл,
Танимайман, дея сурманг ширин ҳаёл,
Рад қилсангиз юрагимга бўлар завол,
Сиз-чи, мени танимайсиз? Ишонмайман.
Ҳовлингизга сувлар ташиб, сешиб-сешиб,
Супургансиз, сочларингиз ерни ўпиб,
Мен ўтардим кўчангиздан тошни тепиб,
Мендан совчи борса дебсиз "--Танимайман".
Тўйда сиздан кўз олмаган йигит менман,
Билдирмайин сочларингиз тортган менман,
Кечалари суратингиз ўпган менман,



Дебсиз яна: "--танимайман, танимайман".
Ёлғончи қиз, кирмадимми тушингизга,
Ишқ савдоси тушмадимми бошингизга,
Гувоҳ фақат ёстиқлар кўз ёшингизга,
Бир энтиқиб дебсиз яна: "--танимайман".
Бугун совчи борди яна -- икки аёл,
Танимайман, деманг ахир бу хом ҳаёл,
Ёлғонингиз энди менга келар малол,
Танимайман деган қизни танимайман!

Азамат ҚОРЖОВОВ,
талаба

ЎХШАБ КЕТАР

Бу ҳаёт баъзида бахт бўстониға ўхшаб кетар,
Аҳли ишқ Боғи Эрам боғбониға ўхшаб кетар,
Олам ул асрору мавж ирфонига ўхшаб кетар,
Даҳри дун Нодону гов имконига ўхшаб кетар,
Ки умр фарсои ҳақ мезониға ўхшаб кетар.

Ҳақ учун ёнсанг мудом, етказса гар фалак,
Сийрати шайтон ҳамон кўринса суратда малак,
Ҳарзағўй бағрингни тилса айлама ўзни ҳалак,
Чун иблис ҳам Одам Ато давридан ёзган палак,
Банди ҳақ ҳукми азал кўрбониға ўхшаб кетар.

Учраган ҳар жонки бордир нуқтаи тилло эмас,
Ҳар қайси ҳофиз бўзида шавқ дилпазир ялло эмас,
Ҳамма ҳам ишқнинг куйида Мажнуну Лайло эмас,

Барчамиз ҳам хом сут эмган бандамиз, олло эмас,
Бу жаҳон саҳни синов майдониға ўхшаб кетар.

Ишқ шундай бешаким кирган киши йўлдан озар,
Неъматни толе тилаб ўзига ўзи чоҳ қозар,
Ишқнинг мақтулиға бўлмас фано, йўқдир мазор,
Шоҳи Маширабдан қиёским, иштибоҳ бўлса магар,
Ишқи дил баҳри муҳит уммониға ўхшаб кетар.

Ушиоқ кўнгли мудом мояи олам фардиким,
Шишада янглиғ ниҳон унда фироқлар гардиким,
Заҳл бу юзларда тоб, ишқу замона зардиким,
Шоҳ Фозий, ҳам Навоий, ҳам Омонлар дардиким,
Чу Дўстмуҳаммад Дўстнинг армониға ўхшаб кетар.
Дўстмуҳаммад ДўСТ,
Каттакўрғон



Жимлик чўкди
Харсангдай оғир
Кетаяпсиз беун, бесадо.
Фикр беҳол,
Тиллар бемажол, --
Дунё адо бўлди охир?
Йўл тўлғонар кўзида уйқу.
Бош кўтариб қуяди тупроқ.
Жим кузатар чарчаган сувлар
Вужудида ботиний туйғу.
"Шивир-шивир" --
куйинар шамол.
Охир жўшиб кетдим,
Бўлди, бас!
Мен куйладим,
Куйим -- эзгулик.
Афсус,
Жимлик топмади завол.

Феруза БҮРИЕВА,
талаба

Қора қалбни кучган қалбим,
Қайгуларда қолган қалбим,
Қотил қаҳр қуршовида
Қафасланган -- қурбон қалбим.
Қуёш қараб қиздирилмас,
Қувончларим қувноқ қилмас,
Қизнинг қайноқ қийноғида
Қаср қуриб қайтган қалбим...

Умид АЛИ,
талаба

Бир-биридан гўзал дақиқалар кечган эди ҳаётимизда.
Шўх-шодон кулгуларимиз, ҳазилларимиз, ўтказган кечаларимиз, сирли суҳбатларимиз наҳотки энди қайтмайди.
Бизга домладай эмас, дўстдай муносабатда бўлган, яхши-ёмон кўнларимизга шерик бўлган устозларимиз меҳрини яна қаердан топиш, яна қачон қалбга сингирини мумкин?!

Биз ҳар биримиз ўзгача дунё, ўзгача олам эдик. Тақдир бизни бир-биридан хушбўй кўнларда, атиргуллар қийғос дамларда таништирган эди. Аввалига ёввойи охулардек чўчинини, ҳайиқиб, чекка-чеккаларда юриш, меҳр тушгандан кейин эса яхши-ёмон кўнларда бир-бирини суяш, гулхан атрофида ўқилган шеърлар, айтилган қўшиқлар, ҳали ҳеч кимга изҳор қилмаган муҳаббатнинг сўнгсиз армони ҳақидаги узун ҳикоялар, олисларни кўзлаган орзулар...

Эртақ, дунёдаги энг гўзал эртақ...
Қанинди шу эртақ барига сингиб кетсам, деб орзу қилади киши.

Пахта далалари-чи? Бу ердаги кечган воқеалар, сирли кечалар, уйни беҳад ориқиб соғиниш. Ҳақиқат, бизнинг наздимиздаги ҳақиқат галаба қозонган кун. Факультетда

III-курслар шоҳлик супасига кўтарилган кун. Уларни эсламай бўладими?! Ойдин ва Ферузанинг парда кўтариб чиққанлари, Акмалнинг чироқ ўчириб-ёқинлари, елкаларни елкаларга, кўлларни кўлларга бирланштириб, галаба ҳақида қўшиқ айтишлар. Аслида бу байрам муносабати билан айтилмаётгандай эди. Балки, бизнинг галабамизга бағишлаб

ЮРАКНИ ЎРТОВЧИ СОҒИНЧ
САВОҚДОШАРИМГА БАҒИШЛОБ

айтилаётган қўшиқ эди.
Инсон умридаги ёшлик фаслининг энг гўзал ва сермазмун кўнлари, айтиш мумкин бўлса, олтин даври талабалик эканлигининг ҳақиқатлигини талаба бўлмаган йигит-қиз билмас керак. Ҳис қилиши мумкин. Бироқ қандай қилиб ҳар бир ҳолатни тасаввур қилиш мумкин?! Ҳар бир дақиқадаги хурсандчилик, хушчақчақ мушоиралар, кутилмаган ҳазилларни қандай қилиб кўрмаган одам тасаввур қилиши мумкин.

Биз ягона ва бетимсол эдик. Бизнинг сўнгсиз имкониётларимиз, дунёнинг ўзидан ҳам буюроқ муҳаббатимиз бор эди. Фақат бизни тушуниб етиш қолган эди холос. Биз муҳаббатимизни ҳаммага бера олмадик, ҳаммага уни изҳор қила олмадик. Сабаби -- йўқотиб қўйиндан кўрдик. Ахир машҳур фалсафамиз ҳамма ерда намоён-ку! Топмоқ -- бу йўқотмоқ дегани. Лекин энг бахтли дақиқалар инъом этган бу даргоҳга сўнгсиз эҳтиром бўлсин!

...Орадан неча баҳор, неча киши ўтди. Аммо ўша кўнлар юрақнинг энг пучмоқ жойларидан кўчмас ўрин олган. У кўнларнинг меҳри ҳали-ҳануз унутилгани йўқ. Ортимга боққанимда, айнан мана шу бахтиёр кўнлар ҳисобиға, кайфиятсиз кўнларнинг аччиғини сезмай қоламан. Ушбу юрақини ўртайдиган соғинч мени қанчалар ичиктирмади, мен уни унутганини ҳечам истамайман. Чунки айнан ўша кўнларда мен ўзлимни танидим, севдим-севилдим, айнан ўша дамларда инсон ва вақт қадрига етадиган бўлдим, айнан ўша даврда англадимки, ҳар не ганиматдир -- дунё ҳам, гул ҳам, ёшлик ҳам, баҳору талабалик ҳам...

Нилуфар МҮМИНОВА,
Андижон

Хотира уйғонса гўзалдир

Иброҳим РАХИМ,
уруш қатнашчиси,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЎЗБЕКЛАР
СОВҒАСИ

1943 йилнинг ёз ва кузида Москва бўсағасида офицерларнинг малакасини ошириш курсида ўқидим. Биз бу ерда янги ҳарбий техника билан танишдик. Курсни аъло баҳо билан тамомлаганимдан кейин, 5-гвардия танк армияси таркибидаги 21-гвардиячи моторлаштирилган-инженерлик бригадаси хизматида бордим. Бу ерда мен олти ойча штаб бўлимига бошчилик қилдим. Сўнгра танк армияси инженерлик қўшинларида штаб бош-лигининг инженерлик разведкаси бўйича ёрдамчиси бўлиб хизмат қилдим.

Штабчилик иши анча қизиқ эди. Немисларнинг турлича ҳарбий инженерлик техникаси, янги хил миналар, иншоотларни ўрганиб, бу ҳақда армия командирлари учун қўлланмалар тайёрланарди. Бу орада Белорусия немислардан тозаланиб, Болтиқбўйи районларини озод қилишга киришдик.

Литванинг Шауляй шаҳрида қизиқ бир воқеага дуч келганимиз эсимда: шаҳарнинг ўрта кўчасидан пиво кўпиклаб оқмоқда эди! Танклар сув кечгандай ҳар ёққа пиво сачратиб борарди. Билсак, немислар Шауляйни ташлаб чиқаётган пиво омборларини тешиб кетишибди, заводдаги бор пиво кўчага оқиб чиқмоқда экан. Сапёрлар кучи билан цистерналар тешиги беркитилди.

Болтиқнинг муҳим порт шаҳри бўлиши Клайпедани ҳам бир ҳамла билан эгалладик, аммо шаҳарга кириб портни қўлга олганимиздан кейин немислар бизни денгиздан тўпга тутиб, кўзимизни очирмади. Линкорларнинг ҳужуми айниқса даҳшатли бўлди, немисларнинг денгиз флоти қирғоқдаги танкларимизни гўё гугурт чўпидай чақиб ёндира бошлади. Клайпедани вақтинча ташлаб чиқишга мажбур бўлдик.

Иккинчи Болтиқ fronti қўшинлари таркибидаги танк бирикмаларимиз учун бу жанглар айниқса жуда оғир бўлди. Чунки танклар ботқоқликка чўкиб кетарди. Литва ботқоқликларида кўплаб талофат кўра бошладик. Болтиқбўйидан Белорусияга, сўнгра Польшага қараб йўл олдик.

Бизнинг учинчи гвардиячи танк корпусимиз Польшанинг Млава шаҳрида сафларини ростламоқда эди. Шундай кунларнинг бирида халқимиз юборган совға-

ларни олдик. Улар ичида "фильм-концерт" ленталарию, ёзувчиларимиздан Ҳамид Олимжоннинг "Саккиз ботир" рисоласи ва Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Темир Фаттоҳ, Ойдин ёзган очерклар бор эди. Фронтга шу аснода етиб келган халқимизнинг яна бир улкан тўғаси Ўзбекистон меҳнаткашларининг жамғармасига сотиб олиниб фронтга юборилган танклар колоннаси бўлди. Унда уч юз танк, ўзи юрар тўплар бор эди. Ўзбекистон меҳнаткашлари юборган танклар қабул қилиб олинган кун танк бригадаси жангчи-офицерлари махсус қасамд қабул қилишди.

Ўзбекистон халқига бир овоздан мактуб йўланди.

Млава гарнизонининг бошқа қисмларида ҳам ўзбек халқининг бу нодир ёрдамига бағишланган митинглар бўлиб ўтди. Млава госпиталидаги митингда асосий сўзни мен айтган эдим. Кейин билсак, менинг акам -- пулемётчи Умурзоқ Раҳимов ҳам шу госпиталда оғир ярадор бўлиб ётган экан. Орадан бир ҳафта ўтгач, ярадор акамнинг менга мактубини дала почтаси келтириб берди. Юз кўришолмаганим учун афсусландим. Илож қанча, фронтда бундай тасодиф-ҳодисалар кўп бўлган.

Ўзбек халқи юборган танкларнинг биринчиси старшина С.Тимофеевга, биринчи ўзи юрар тўп эса ўзбек халқининг фарзанди лейтенант К.Умаровга берилганди. Жангга кириш олдидан менинг олдимга Тимофеев келиб:

-- Танк тўпининг сумбасидан мана шу хатни топдим, ўқиб тушунолмадим, -- деб менга сарғайиб кетган қоғозни берди.

Мен хатни ўқидим. У ўзбекча сўзлар билан катак дафтарчанинг бир варағига ёзилган экан.

"Ассалому алайкум, ўртоқ танкчи! -- деб бошланар эди хат. Мен бу танкни сизга, нотаниш танкчига юборяман. Фашистни янчинг, мажақланг! Менинг танким жуда ажойиб танк! Бу танк учун биз, ўзбек деҳқонлари пешона тери билан пултўплдик. Бунга ўз пулимизга ўрол ишчилари ясаб беришди. Бу танк узоқ умрли, пишиқ ва қудратли бўлсин! Менинг танким қандай жанг қилаётгани ҳақида менга хат ёзинг! Ўзингизни муваффақиятнингиз ҳақида ҳам ёзиб туринг..."

Карим Нурматовларга".

Мустақилликнинг дастлабки йиллари... Шарқия Эшжонова қатагонга учраган Хоразм дилбандлари -- 30-йиллар шахсга сифиниш даври жабрдийдалари ҳаётини урганишга дадил киришди. Унинг илк ишларидан бири Марямхоним Султонмуродова номини халққа танитишдан бошланди.

М.Султонмуродова 1922 йилда она-Ватан маърифати учун Олмонияга ўқишга жўнаган. У ерда 6 йил тахсил олгач, Ўзбекистонга қайтиб, турли маҳкамаларда масъул вазифаларда ишлаган. Бир қанча таҳририятларда, жумладан аёллар журналі саналмиш "Саодат" ва "Гулистон"да адабий ходим бўлиб фаолият курсатган.

Афсуски, она-юрт келажиги учун қайғуриб ўзини ўтга-чўққа урган ёш, тиниб-тинчи-

тонмуродова ҳақидаги мухтасаргина мақоласи ҳам урин олди. Утган йили "Умр йўллариди" деган салмоқдор битигида эса миллатимиз фидойиси Марямхоним тўғрисида батафсил маълумотлар берилди. Китобдан жабрдийда элдошимизнинг шахси ва фаолияти борасида ҳаққоний маълумотлар, Марямхоним қаламига мансуб асарлардан намуналар ва унга тааллуқли ҳужжатлар нусхалари жой олди.

-- "Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз", деб ёзган эди сеvimли шоиримиз А.Орипов, -- дейди Шарқия Эшжонова. -- Мен бу сатрларни "Аёл қалби билан ҳазиллашманг сиз", деб ўқигим келаверади. Чунки аёл қалби бир оташгоҳ мисолики, агар мавриди келса у хўлу-қуруқни баробар ёндиришга қодир ут-оловни дунёга сочади".

Ҳақ сўзни айтгучилар ҳаммиса ҳам ардоқланавермаслиги

МАРЯМХОННИ
ТИКЛАГАН ШАРҚИЯ

мас қалб соҳибасининг бошига ухлаб тушига кирмаган кўргуликлар ёғилди. Бир томонда халқ жосуси деб отиб ташланган Жуманиёз Султонмуродовнинг қизи сифатида, иккинчи томондан эса Олмониядаги "Озод Туркистон" ташкилотининг аъзоси, миллатчи деган айблари билан ноҳақ қамалди. Уни 1922-1928 йилларда Олмонияда ўқиган даврида муҳожирлар йўлбошчиси, Туркистон мухторияти раҳбарларидан бири Мустафо Чўқай ва Олимжон Идрисийлар билан ҳамкорлик қилган деган гумон билан гул умрини хазон қиладилар. Марямхоним ҳаётининг 15 йилини қамоқхоналар ва қуёш қизариб нур таратмас, қорлари абадий эримас ўлкаларда сургунда ўтказди. Охири оқибатда беҳуқуқларча, адабий муҳитдан четда ўз орзулари саробга айланганча армонли дунёни тарк этади.

Нафақат хоразмликлар, балки бутун Ўзбекистон учун М.Султонмуродованинг жоғавий ҳаёти ўқилмаган бир китоб эди. Ёш улкашунос -- тадиқотчи, халқаро "Олтин мерос" жамғармаси совриндори Шарқия Эшжонова унинг номини қора доғлардан олиб чиқишга киришганидан, тўғриси, курашганида қаршида машаққатли меҳнатлар қад кериб турар эди. Дастада ҳужжатларга кўз нурини тукишдан, уни билган-танган кишиларни излаб гоҳ Тошкент, гоҳ Хоразм йўллариди кезишдан чарчамади. Суронли йилларнинг бешафқатлигидан юрак олдириб қўйган Марямхонимнинг фарзандлари, қариндош-уруғлари ҳатто илк дафъа уни ҳадиксираб, совуқ қарши олган пайтлари ҳам бўлди. Уларнинг ишончини қозонгунча навиҳолгина Шарқиянинг тундек қора сочларига оқ оралади.

1993 йилда "Хоразм" нашриётида "Хоразм юлдузлари" деган мўъжазгина рисола чоп этилди. Унда Ш.Эшжонованинг Марям Сул-

рост. Хоразмнинг ягона улкашунос -- тадиқотчи аёли бўлмиш Ш.Эшжонованинг илк фаолияти қарам-қаршиликлар билан дебеча ясаган. Вилоятда унинг ташаббуси билан нашр этила бошлаган "Мулоқот", "Нафосат" каби газеталарда унинг қаламига мансуб ўткир муаммоли публицистик мақолалари чоп этилганида уни бир четга суриб чиқаришга уринганлар ҳам бўлди. "Бир пайтлар ҳукумат ёмон отликка чиқарган, узоқ вақт қамалиб чиққан кишиларни ёқлаб сенга нима фойда", -- деб газабига ўт ёққанлар оддий одамлар эмас, балки мансаб курсиларини банд этволган раҳбарлар эди. Шарқия уларнинг сўқир кўзларини очиш, келажак авлодларни бедорликка ундаш мақсадида беғуноҳ курбонлар хотирасига ўлмас мангу маънавий ҳайкаллар тиклади. Шарқиянинг бугунгача воҳа нашриётида 10 га яқин битиклари чоп этилибди. Уларни бир-бир варақлар эканмиз, негандир аксарият китобларида аёллар мавзуси қаламга олинганининг гувоҳи бўламиз.

"...Долгали иқтисодий қийинчиликлар дамларида, -- деб ёзади муаллиф "Қуйларим сизга" рисоласида. -- диққат-этибор кўпроқ тирикчиликка қаратилаётган бир пайтда сенинг уйтавишининг бирга баҳам қуриб, мададкор ва суянчиқ бўлиш орзу-ниятини қалбимдан бир дам бўлсин нари кетмай қўйди. Сенга шундай сен иста-



Улар ушанда ўз замонаси даҳоларининг баландпарвоз гапларига ишониб ўз юрти ва элининг манфаати, гуллаб-яшнаши, маданияти ва санъатининг ривожланиб, янада тараққий топиши учун аёллик бахти ва тахтидан воз кечишган-ку. Афсуски, қатагонлик йиллари бу жабрдийда аёлларни улар уйлаганчалик бошини силамадилар.

ганча суянч, тиргак бўлиш учун нима қилмоғим керак?

Аёлим сени азалдан шоирларимиз гулдан нозик, гўзал маҳваш, фақат муҳаббат учун яратган маҳлиқо деб ардоқлаб мадҳ этиб келган. Бироқ сен Қизил салтанатнинг талотўм замонларида бирдан ўзингни асл моҳиятингни йўқотиб давр қаҳрамонига айландинг. Ушанда сен фақат қучиб эркалаш учун яратилган нозик елкаларинга зил-замбил юкларни ортиб далада, завод ва фабрикаларда эркадек энг оғир ишларни ҳам уддалаб кетавердинг.

Хўжум компанияси курбонлари бўлган Онабиби Сафоева, Бибижамол Идрисова, Хайрулбанот Сайдашова, Розия Ибодуллаева ва Марям Султонмуродоваларнинг эркаларга хос жасорати ва матонати-чи?! Ахир бу "мард"лик кейинчалик уларни не бир қуйларга солмади.

Эрпўлат БАХТ,
"Туркистон" мухбири

Д А К К А. Парижда «Бангладеш тараққийи» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда иштирокчи мамлакатлар ва халқаро молия муассасалари вакиллари Бангладешга 2,04 миллиард АҚШ доллари миқдорда ёрдам кўрсатишга қарор қилди.

«Синхуа» ахборот агентлиги тарқатган хабарга қараганда, Бангладеш молия вазири Шоҳ Кибриё анжуман қатнашчиларидан кўмак сўраган. Анжуман иштирокчилари кўрсатилажак моддий ёрдам эвазига Бангладешда иқтисодий, маъмурий ва суд органларидаги ислохотлар жараёнини тезлаштириш шартини қўйган.

К И Е В. Украина Президенти Леонид Кучма НАТОнинг юбилей саммитида иштирок этиш учун Вашингтонга жўнаб кетди. Л.Кучма НАТО саммитида «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига аъзо мамлакат раҳбари сифатида иштирок этади. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда ёзилишича, саммит доирасида «Украина-НАТО» мавзусида мажлис ҳам бўлиб ўтади.

Н Ъ Ю - Й О Р К. АҚШ ва Шимолий Корея ҳукуматлари ўртасида озиқ-овқат ёрдами етказиб бериш тўғрисида битим имзоланди. Унга кўра, АҚШ ҳукумати КХДРнинг очарчиликдан азоб чекаётган аҳолисига 100 минг тонна озиқ-овқат етказиб беради. Бундан ташқари, АҚШ томони Шимолий Кореяга минг тонна уруғлик картошка ҳам етказиб беради. Озиқ-овқат ёрдами май ойидан бошлаб Шимолий Кореяга жўнатила бошлайди.

Б О Н Н. Ҳадемай Франкфурт-на-Майн шаҳрида энергетика биржаси ташкил этилади. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, Майн қирғоғидаги янги энергетика бозори яқин вақт ичида ишга тушади. Унда Европадаги энергетика соҳасида фаолият юритаётган компанияларнинг қимматбаҳо қоғозлари сотилади.

Б О К У. Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг АҚШга етти кунлик ташрифи бошланди. Ташриф чоғида Озарбойжон билан АҚШнинг «Экссон», «Мобил» ва «Монкриф ойл интернэшнл» каби йирик нефть компаниялари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоланади. Шунингдек, Бокуда кардиология жарроҳлик марказини куриш билан боғлиқ битим имзоланиши ҳам кутилмоқда.

Бундан ташқари, Ҳ.Алиев НАТОнинг 50 йиллигига бағишланган тадбирларда иштирок этади.

П Н О М П Е Н. Камбожа ҳукумати ва Жаҳон Банки ўртасида иккита битим имзоланди. Унга кўра, Жаҳон Банки Камбожа йулларини таъмирлаш ва қишлоқ жойларда тараққийни қўллаб-қувватлаш учун мамлакатга 40 йил мuddатга 70 миллиард АҚШ доллари миқдорда кредит беради. Кредитлар имтиёзли бўлиб, биринчи ўн йилликда устама ҳақ олинмайди. Қолган ўттиз йил учун эса йилига 0,75 фоиз устама ҳақ олинади.

Жаҳон Банки кредитлари Камбожага 5 йил давомида етказиб берилди.

Н Ъ Ю - Й О Р К. БМТ Бош қотиби Кофи Аннан Шарқий Тимор мустақиллиги учун курашаётган ва унга қаршилик қилаётган гуруҳлар ўртасида тинчлик битими имзоланганини қўллаб-қувватлади. К.Аннан бу ҳақда баёнот бериб, мазкур ҳужжат Шарқий Тиморда зўравонлик ва террор ҳаракатларининг олдини олиш ҳамда улкада тинч, осойишта ҳаётини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этажанини таъкидлади.

Шу кунларда Нью-Йоркда БМТ шафёлигида Шарқий Тимор можаросини тинч йўл билан ҳал қилиш борасида Индонезия-Португалия музокараларининг иккинчи босқичи ўтказилмоқда. Музокаралар давомида К.Аннан ушбу тадбирда иштирок этаётган мазкур мамлакатлар ташқи ишлар вазирилари Али Алтас ва Жайм Гамой билан учрашишни режалаштирган.

Хабар қилишганидек, жорий йилнинг 4 май куни Фаластин мухторияти ўз мустақиллигини эълон қилиши мўлжалланган. Фаластин раҳбари Ёсир Арафот дунё мамлакатлари буйлаб сафарга чиқиб, давлат раҳбарлари билан шу масала юзасидан учрашувлар ўтказди.

Европа, Осиё, Америка ҳамда Африка қитъалари буйлаб сафарига яқун ясаш олдидан Ёсир Арафот «эҳромлар мамлакатига» келди. У Миср президенти Ҳусний Муборак ҳамда Араб давлатла-

ФАЛАСТИН: МУХТОРИЯТ МУСТАҚИЛЛИГИ ҚАЧОН ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ?



ри лигаси бош қотиби Исмаил Абдумажид билан мухторият мустақиллиги борасида фикр алмашди.

Ёсир Арафот Қоҳирадан Газа шаҳрига қайтиб келгач, ўтказилган учрашувлари ҳақида гапирар экан, сафар натижаларидан қониқиб ҳосил қилганини айтди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси мухбирининг айрим кузатувчилар фикрига таяниб хабар қилишича, Фаластин раҳбари қўзлаган мақсадига эриша олмаган. У борган мамлакатлар раҳбарлари умуман олганда мухторият мустақиллигига қарши эмаслигини, аммо, ҳозирча бунинг мавриди келмаганини айтган. Сабаби, Фаластиннинг қўшниларидан бири бўлган Исроилда жорий йил 17 май куни парламент сайловлари бўлиб ўтиши кутилмоқда. Агар Фаластин бу тадбир олдидан мустақиллик эълон қилгудек бўлса, Исроилдаги мухторият мустақиллигига қарши бўлган баъзи кучлар бундан фойдаланиб ҳокимият тепасига келиб олиши ва Фаластин муаммосининг ҳал бўлишини яна номаълум вақтгача қўзиб юбориши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу сабабли баъзилар мухторият мустақиллигини сайловлардан кейин эълон қилиш мақсадга мувофиқ, дейишмоқда.

Баъзи ахборот маҳкамалари тарқатган хабарларга қараганда, Ёсир Арафот ҳам бу қабилдаги фикрларни инobatга олган бўлса ажаб эмас. Чунки у мухторият мустақиллигини эълон қилиш куни Фаластин озодлик ташкилотининг 27 апрелда ўтказилажак мажлисида маълум қилинишини айтган.

Бобур СОБИРОВ,
Ўза шарҳловчиси

Б О Н Н. НАТОнинг Вашингтонда бўлажак юбилей саммитида Шимолий альянсга аъзо қилинадиган навбатдаги тўққиз мамлакат номзоди эълон қилиниши мумкин, деб хабар тарқатди РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

Германия ҳукумати вакилининг айтишича, улар Болгария, Руминия, Словакия, Словения, Эстония, Латвия, Литва, Албания ҳамда Македония давлатлари бўлади. Лекин бу борада ушбу мамлакатларнинг НАТО раҳбарияти билан музокаралар олиб боришига ҳозирча рухсат берилмайди.

Т Б И Л И С И. Грузияда Кавказ сайёҳлигини ривожлантириш бўйича халқаро кўргазма очилди. Унда 12 мамлакатдан олтинга яқин сайёҳлик фирма ва компаниялар вакиллари иштирок этмоқда.

Бундай тадбирни ўтказишдан асосий мақсад Кавказ минтақасида ички сайёҳликни тараққий эттириш ва бу борада хорижлик шериклар билан манfaatли ҳамкорлик ўрнатилди, деди тадбир ташкилотчиларидан бири. Кўргазма доирасида минтақада сайёҳликни ривожлантириш, бу борадаги имконият ва муаммолар юзасидан илмий анжуман ҳам ўтказилади. Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе халқаро кўргазма ҳақида гапириб, мазкур тадбир «Буюк Ипак йўли» алоқаларини қайта тиклашда муҳим аҳамият касб этажанини таъкидлади.

Р И М. Германиянинг «Дойче Телеком» ҳамда Италиянинг «Телеком Италия» раҳбарияти Европада салоҳият жиҳатидан иккинчи йирик телекоммуникация компаниясига асос солиш мақсадида ўзаро келишувга эришди.

Мутахассислар қўшма корхонанинг қийматини 190 миллиард еврога тенг бўлишини айтишмоқда. Корхонада 300 минг киши фаолият кўрсатади. Унинг йиллик айланма маблағи эса 170 миллиард еврога етиши кутилмоқда.

ТОКИО. 20 апрелга ўтар кечаси Япониянинг жанубий ороли - Окинава яқинида АҚШ денгиз пийда қўшинларига қарашли вертолёт ҳалокатга учради. Оқибатда уч киши ҳалок бўлди, бир киши бедарак йўқолди. Вертолёт нима сабабдан Окинава шимолида жойлашган АҚШ куролли кучларининг жанговар машқ майдони яқинида Тинч океанига қўлаб тушгани номаълум.

АҚШ вертолётлари ва Япония хавфсизлик бошқармасининг назоратчи кемалари бедарак йўқолган экипаж аъзосини изламоқда. Лекин ҳали вертолётнинг ўзи ҳам топилгани йўқ.


ВИЛЬНЮС. Литва ташқи ишлар вазири Альгирдас Саударгас икки кунлик расмий ташриф билан Норвегияга жўнаб кетди. Ташриф давомида у Норвегия қироли Ҳарольд У, мамлакат Бош вазири Хелл Магне Бондевик, ташқи ишлар вазири Кнут Воллебек ҳамда Стортингнинг /парламент/ ташқи ишлар ва мудофаа бўйича қўмиталари аъзолари билан учрашди. Учрашувларда Литванинг НАТОга қўшилиши, минтақавий хавфсизлик муаммолари, икки давлат ўртасидаги алоқалар ҳамда Болқондаги вазият билан боғлиқ масалалар кўрилади.

Шунингдек, А.Саударгас Тоенсберг шаҳрида Литванинг фахрий консулини очилиш маросимида иштирок этади.

СИДНЕЙ. Австралиянинг Ф-111 қирувчи-бомбардирмончи самолёти Жанубий Хитой денгизининг Малайзия қирғоқлари яқинидаги қисмида йўқолди. Ушбу ҳодиса Ф-111нинг Квинсленд штатидаги Эмберли ҳарбий ҳаво кучлари базасидан чиқиб, Австралия, Буюк Британия, Малайзия ва Сингапур ҳамкорликда ўтказган ҳарбий ҳаво машқларида иштирок этгандан сўнг содир бўлди. Қидирув ишлари давом этмоқда.

ПЕКИН. Хитойнинг Сичуань вилояти ўрмонларидаги кучли ёғин бутунлай учирди. Бу офат натижасида 100 гектардан кўпроқ ҳудуд ёниб кетди. Маълумотларга кўра, унга қарши курашда мингдан зиёд ўт ўчирувчи иштирок этган. Қурбонлар ва етказилган моддий зарар ҳақида эса маълумот берилмаган.

/Ўза/



«ШИНАНАЙ ЯВРУМ, ШИНАНАЙ»

да такомиллашувига асосий даъвогарлардан бўлган санъат юлдузидир. Аввало, бу чўққига етишишнинг сабабини Сезен хоним изланиш ва иштиёқда деб билади. У бир кушиқ устида кўп ҳаракат қилади, изланади. Кўринишидан жиддий, кўрс кўринган бу аёл, аслида, табиатан камтар ва қувноқдир. Фикр-ёди санъатида, уз ишида. Сезен бошқа аёллардан кўп фазилатлари билан фарқланади. У жуда ўзгарувчан хусусиятли. Гоҳида Сезен 16 ёшли сулув қиз, гоҳида эса олий мартабали, сирли хонимлар сифатида намоён бўлади...

Сезен Аксу 1955 йил саратон буржи остида Туркиянинг Сарайқойу шаҳрида туғилган. Бўйи 159, оғирлиги 46, оёқ кийими 35-улчамли. Зиёлилар оиласида тарбия топган Сезен журналист бўлишни орзу қилади. Лекин ота-онаси қаршилиги

сабаб у бошқа соҳани танлашга мажбур бўлади. Сезен Аксу Аграр институтига ўқишга киради ва шу факультет ассистенти Энгин Аксуга турмушга чиқади. У кўп йиллар мобайнида "Измир маданият Галереяси"да фаолият кўрсатиб, нафис санъатнинг кўп қирраларини ўрганади. Гузаллик салонларида ишлайди.

Бинобарин, санъатнинг гузал турларини, хилма-хиллигини англаб етган бу аёл энди раққосалик сирини эгаллай бошлайди ва шу билан бирга онда-сонда кушиқлар ҳам ижро этади. Узоқ мuddатли меҳнатдан сўнг унинг "Менинг бахтим" деб номланган биринчи альбому эълон қилинади. Бу альбом жуда катта шухрат қозониб, шинавандалар томонидан яхши кутиб олинди уни машҳурлик саҳнасига олиб чиқади. Эндиликда Сезен Аксу

таниқли турк санъат юлдузи.

Муסיқанинг ҳақиқий ошноси бўлган бу аёлнинг Улусдаги 3 қаватли хонадонига ташриф буюрганлар бу уйми ёки студиями, деб ўйлашиб қолишади.

Хонанда бу ҳашаматли уйининг икки қаватини фақат ўз санъати билан боғлиқ бўлган жиҳозлар билан безатган.

Сезен ҳайвонларни жуда севади. Унинг "Ҳатто бир мушугим ҳам йўқ" номли кўшиги жуда ҳам оммабоп. У ўз кўшигида мушугим йўқ, дейди, лекин уйда тўрт мушуги ва бундан ташқари Ваққос лақабли зотдор кучуги, тўртта тошбақаси бор.

Улар Сезен билан якка-ягона фарзанди Мумхатнинг овунчоги.

ТошДУ талабаси
Марҳамат УМАРОВА
тайёрлади

Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати ҳусусида

Тошкентда 1 майдан 3 майга қадар бўладиган кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий кўмитасининг мажлиси бўлди. Бу катта спорт байрамиди юксак даражада ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташкилий кўмита раиси Ҳамидулла Караматов бошқарди.

Республика Давлат Жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси Баҳодир Махситовнинг қисқача ҳисоботида тайёргарлик ишларига яқун ясалди. Мусобақанинг спортчиларни жойлаштириш, овқатлантириш, уларга транспорт ва тиббий хизмат кўрсатиш, уларнинг бўш вақтини ташкил этиши каби барча ташкилий масалалар ҳал қилингани айтилди.

«Совластитал» кўшма корхонаси чемпионат ғолиблари ва совриндорлари учун эсдалик совғаларининг намуна вариантларини - чемпионат рамзи туширилган лаганларни тайёрлади. Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати эмблемаси тасвирланган 10 минг плакат ва 5 минг вимпель чиқарилди.

10 кун тезда ўтиб кетади, «Жар» спорт мажмуи стадионида курашнинг минглаб мухлислари 50 дан ортиқ мамлакатдан келган полвонлар беллашувини томоша қиладилар.

Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатини 150 га яқин Ўзбекистон ва хориж журналистлари ёритади.

/ЎЗА/

ҚАДУЗЛАР САМОДАН СЎЗЛАЙДИ (26 апрелдан 2 майгача)

ҲАМАЛ. Душанбада молиявий аҳолининг яхшиланади. Сешанба кунини ишлар о'кей. Чоршанба ва жумада яқин одамнингизни кутинг. Пайшанба соғлигингиз ҳақида қайғуришингизни эслатади. Шанбада асабини асранг. Якшанба тижоратчилар кунини.

САВР. Мухим ишларни душанбага қолдириг. Сешанбада сизни алдашлари мумкин. Чоршанба кунини хафа бўласиз. Учрашувлар учун қулай кун пайшанба. Жумада сизни сўроқлашади. Шанба кунини кутилмаган бойлик эгаси бўласиз. Якшанбани дам олишга бағишланг.

ЖАВЗО. Душанбадаги ҳамкорлар учрашуви яхши натижалар беради. Сешанба ва жумада муҳим ишларга қўл урманг. Омадли кун чоршанба. Пайшанбада сирли учрашув. Дам олиш кунлари сиз кутгандек ўтади.

САРАТОН. Душанба кунини кайфиятингиз даражаси

ТЕСКАРИ МАСАҲАТЛАР

- Ориқ кишиларга: Семирмоқчи бўлсангиз «Фигурин» ёки «Тербалайф»дан фойдаланинг.
- Чанқоғингиз босилса: «Fanta» ёки «Cola» ичинг. Чанқоғингизни очади.
- Катта бўлишни хоҳламаганларга: «Нестле» билан бирга бўлинг.
- Сочингиз бошингизга оғирлик қилаётган бўлса, сочингизни «Pantin Pro-V» да ювинг. (Қайчи ишлашга имкон ҳам бўлмайди).
- Қорингиз очса «Mars» енг. Ортиқча овқатга не ҳожат.
- Пулингиз кераксиз бўлмаса «ХИФ» акцияларини сотиб олинг.
- Хаёл суришни яхши кўрганларга: Лоторея сотиб олинг.
- Биологларга: Бактерияларнинг «бошлигини» тутмоқчи бўлсангиз «Protex» совунида ювинг.
- Кир ювишда кўпроқ совун ишлатмоқчи бўлсангиз «Ariel»дан фойдаланинг.
- Овқатингиз жуда мазали бўлиб кетса, ташвишланманг. «Galina Blanka» кубикларини соласангиз, «меъёри»га келади.

ЗИЁДА тайёрлади



ЗЕЛОНЛАР

Тошкент вилояти Паркент туманидаги 24-мактаб томонидан Мирзаев Нурлан Тўрабоевич номига берилган № 442661 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Паркент туманидаги 25-ўрта мактаб томонидан Обидов Абдулла Шоикромович номига берилган А-007049 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Паркент туманидаги 22-ўрта мактаб томонидан Туроббоев Муҳаммаджон Турғунбоевич номига берилган № 393236 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ОЛМА «ЎҒРИСИ»

Олмон шоири Ф.Шиллернинг (1759-1805) машҳур «Вильгельм Телль» (1804) асаридан, бир боланинг бошига қўйилган олма отанинг отган ўқи орқали уриб туширилиши саҳнаси билан яхши танишсиз. Аммо, Шиллерни бу қадар кўкларга кўтарган асар машҳур ислом олими Фариддин Атторнинг «Манتيқ ут-тайр»

(Қуш нутқи) номли достонини пухта ўргангандан кейин вужудга келгани ҳали кўпчиликка маълум эмас.

XIII асрда ёзилган «Мантик ут-тайр»нинг 78-саҳифасидаги 9781 байтда барча тафсилотлари билан ҳикоя қилинган ўқ ва олма саҳнаси 3 аср кейин яшаган Шиллерни батамом ўзига маҳлиё қилди. Ва, пировард натижада, уни ҳам «Олмани мўлжалга олиш» ишқига мубтало қилди.

Қисқача қилиб айтганда, сарб бизнинг шунчалик кўп хазиналаримизни узлаштириб юбордики, ҳатто «олма»миз ҳам қолмади.

Нима ҳам дердик! «Емганинг модини бошқаси ер» деб бежиз айтишмаган.

МУШУҚЛАР ОРОЛИ

Ҳинд океанида Фрэдкост деб номланган орол бор. Бу ерда фақат мушуклар ишайди. Ҳинд олимлари нега бундай оқаниги ҳақида кўп бош қотиришди. Аниқланишича, 1890 йилда орол яқинида кема ҳалокатга учраган. Бир амаллаб қуруқликка чиқиб олган денгизчилар қутқарувчиларни кута-кута ҳалок бўлдилар. Улар билан бирга бўлган мушуклар эса оролда яшай олинган ташқари кўпайиб ҳам кетди. Ҳозир уларнинг сони мингдан зиёд.

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ

унчалик яхши эмас. Сешанбадан кўнғироқ кутинг. Чоршанба ва пайшанба кувончли хабарлар келтиради. Жума кунини соғлигингизни ўйланг. Ҳамкорлар учун қулай кун шанба. Якшанба кўнғили ўтади.

АСАД. Душанбада ишлар яхши. Сешанбада ҳамёнингиз тўлади. Чоршанба кунини муҳим битимлар тузилади. Пайшанбада соғлигингиз безовта қилини мумкин. Жумада сирли учрашув. Якшанба кунини сизни сўроқлашади.

СУНБУЛА. Ҳафта боши ва охири соғлигингиз ҳақида жиддий қайғуришингиз кераклигини эслатади. Сешанбада яқин одамнингизни кутинг. Чоршанба, жума ва шанбада қувонасиз. Пайшанба эса молиявий аҳолинингизни яхшилайди.

МЕЗОН. Душанбада муҳим ишларга яқун ясайсиз. Сешанба кунини соғлиқ, кайфиятингиз ёмонлашади. Чоршанбадан янгилик кутинг. Пайшанба кунини яқин одамнингиз билан дийдорлашасиз. Жумада асабийлашманг. Шанба кунини сизни сўроқлашади. Якшанба сиз кутгандек ўтади.

АҚРАБ. Аъло дам олмоқчи бўлсангиз душанбани танланг. Сешанбада муҳим ишларга қўл урманг. Чоршанба, пайшанба, шанба кунлари ўзингиз ёқтирган кишингиз билан бирга бўласиз. Жума омадли кун. Якшанбада кўнғили харид.

ҚАВС. Ҳафта бошида асабларингиз анча чарчагани билинади. Сешанба, чоршанба, пайшанбада молиявий аҳолинингизни яхшилаб олиш имконияти бор. Жума ва шанба кунлари яқинингиз билан кўнғироқлашасиз. Тижорат ишларингизни якшанбада ҳал қилинг.

ЖАДИ. Душанба ва сешанбада оилавий иқтисодингизда янгилик рўй беради. Чоршанба кўнғилдагидек ўтмаслиги мумкин. Жумада ўзингиз ёқтирган нарсани харид қиласиз. Шанбада ҳамёнингиз тўлади. Якшанба ишбилармонлар учун омадли.

ДАЛВ. Умуман, ҳафта сиз кутгандан ҳам зўр келиши кутилмоқда. Душанбада молиявий, сешанбада иқтисодий аҳолинингиз яхшиланади. Чоршанбадан сирли кўнғироқ кутинг. Пайшанба ва шанба кунлари ишлар о'кей. Якшанбада яқинингиз билан дийдорлашасиз.

ҲУТ. Душанбада ҳамёнингиз тўлади. Сешанбада кайфиятингиз яхши. Чоршанба кунини муҳим ишларга қўл урманг. Пайшанбада кўнғили харид қиласиз. Жумада сирли учрашув. Шанба таассуротларга бой ўтади. Якшанба ҳамкорлик учун қулай кун.

КАДРЛИ ШЕЪРИЯТ ИХЛОСМАНДЛАРИ!

«Туркистон» таҳририяти қошида фаолият кўрсатаётган «Шеърият сабоқлари» мактабининг навбатдаги машғулотини 28 апрель чоршанба кунини соат 16:00 да бошланади. Унда сиз тенгқурларингизнинг ижодларидан намуналар тинглаш билан бирга, устоз шоир Рауф НАРФНОВнинг назм таҳвили ҳусусидаги фикрларини ҳам баҳраманд бўласиз.

ДАВРАМИЗ БАРЧА МУХЛИСЛАР УЧУН ОЧИК!
Маълумимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 5-қават, 508-хона
«Туркистон» газетаси таҳририяти
Тел.: 133-89-61

Туркистон

Иккинчи ярим йиллик учун обуна бошланди! Шошилинг!